

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

СЎЗБОШИ 3

“БОБУРИЙЛАР СУЛОЛАСИ: ТАРИХИ, АДАБИЁТИ, МАДАНИЯТИ” МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО СЕМИНАР МАТЕРИАЛЛАРИ

Seyhan T. Babur Şah’ın Eserlerinde Zaman Belirten Söz Varlığına Bakış 5
Низомиддинов Н. Бобурийлар даври ҳинд-мусулмон мусиқа санъати 15
Каромат Д. Бобурийлар давридаги мусиқага оид рисолалар 32
Эшонова С. ЎзР ФА Шарқшунослик институтидаги Бобурийлар сулоласига мансуб назмий асарлар……..... 45
Муҳаммадаминов С. XVII–XIX асрларда Марказий Осиё ислом ҳуқуқи тарихида “Фатавойи Оламгирия” тўпламининг ўрни (ЎзР ФА Шарқшунослик институти фонди қўлёзма нусхалари мисолида) 60
Жўраев Ж. “Нафоис ул-маосир”нинг Хивада кўчирилган қўлёзма нусхалари ҳақида 74
Юсупова Д. Бобур “Аруз рисоласи”нинг Темурийлар даври арузшунослигида тутган ўрни 88
Мадалиева О. Абдулла Носировнинг “Бобурга оид манбалар” дафтари хусусида 99

ПЕРСОНАЛИЙ

Бобуршунос олима Сабоҳат Азимжонованинг 100 йиллик юбилейига бағишланган хотира

Юсупова Д. Сабоҳат Азимжонованинг ҳаёти ва фаолияти.....107

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги
Шарқшунослик институти
Илмий кенгашининг 2022 йил 29 июндаги
4-сонли мажлиси қарорига
кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Баҳром Абдуҳалимов *(Бош муҳаррир)*
Сурайё Каримова *(Бош муҳаррир ўринбосари)*
Салимахон Эшонова *(Масъул котиб)*
Наталья Каримова *(Рус тили муҳаррири)*
Акрам Ҳабибуллаев *(АҚШ, Инглиз тили муҳаррири)*

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин *(Германия)*
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек *(Туркия)*
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктамбек
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:

100170. Тошкент ш.,
Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон*: (8 371) 262-54-61,*
Факс*: (8371) 262-52-77*
E-mail*:* beruni1@uznet.uz

created by the representatives of the dynasty, undoubtedly have a special place in world history.

Since Mirza Baburб like his ancestor Amir Timur (1370–1405), always supported people of art and scholars of almost all fields of science, literature and art developed during this period. As a result of teaching poetry and prose to his children, among other sciences, a number of poets and historians emerged from his descendants.

The article gives information about Humayun, Kamron Mirza, Daro Shukuh, Gulbadan Begim, Gulruh Begim, Salima Begim, Nurjahan Begim, Zebunnisa Begim, Zaynabnisa Begim, Ziynatnisa Begim, Arom Begim, Fano Begim, Jahonaro Begim, Hamidabonu Begim, as well as about poets and their literary heritage. I will classify, structurally compare, and show the significance of the copies of their works that held in the Main, Hamid Sulaymanov, Duplicate and Microfilm Collections at the library of the Beruni Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.

Key words: *Zahiriddin Muhammad Babur, diwan, muntakhab, tazkira, collection, poet, poetess, India, Baburid dynasty, manuscript, copy, classification, composition, comparison*.

С. Муҳаммадаминов

XVII–XIX асрларда Марказий Осиё ислом ҳуқуқи тарихида “Фатавойи Оламгирия” тўпламининг ўрни (ЎзР ФА Шарқшунослик институти фонди қўлёзма нусхалари мисолида)

“Фатовойи Оламгирия” (“ал-Фатово ал-Оламгирия”) тўплами ҳанафий фиқҳининг энг нуфузли манбаларидан бири ҳисобланади. У фатволар тўплами бўлиб, Ҳиндистонда Темурий Заҳириддин Муҳаммад Бобур авлодидан бўлган Муҳаммад Аврангзеб (1658–1707) буйруғи билан Шайх Низомиддин Балхий (ваф. 1679) бошчилигида йигирма уч нафар фақиҳ иштирокида “Фатовойи Оламгирия” ёки “Фатовойи Ҳиндий” (XVII аср) номи билан аталган [10: 207; 11: 2]. Оламгирнинг Ҳиндистонда ислом ҳуқуқини ёйишга ва уни мустаҳкамлашга қўшган асосий ҳиссаларидан бири мазкур тўпламнинг юзага келишидаги ташаббусидир. Бу тўпламнинг яратилиш санаси бўйича олимлар ўртасида баҳслар мавжуд. Покистонлик исломшунос олим Базимий Ансорий (1913–1989)

тўплам 1664–1672 йилларда ёзиб тугатилган, деб таъкидлаган бўлса [12: 837], канадалик исломшунос Алан Гунтер фикрича, “Ал-Фатова ал-Оламгирийя” тўплами 1667–1675 йиллар давомида, яъни саккиз йил давомида тузилган [10: 211].

ЎзР ФА ШИ Шарқ қўлёзмалари тавсифида (СВР) ҳам бу тўпламнинг яратилиш даврига оид баъзи маълумотлар келтирилган. Унда тўплам XVI асрнинг иккинчи ярмида тузилган [5: 3211], деб хато кўрсатилган. Шу билан бирга, мазкур каталогда “Фатавойи Оламгирия” тўпламининг иккита нусхаси тавсифида қўлёзма варағига босилган муҳрда кўрсатилган 1064/1654 санадан келиб чиқиб, тўплам шу йилга тегишли, деган яна чалкаш маълумот берилган. Мазкур нусхаларни (№№ 2591, 4968) қайта назардан ўтказганимизда ундаги муҳрда 1064/1654 йил эмас, балки 1094/1682 йил кўрсатилгани аниқланди. Мана шу сана ҳақиқатга яқинроқдир. СВРда “Фатавойи Оламгирия” тўпламининг 13 та қўлёзма нусхасига тавсиф берилган, бироқ унда маълумотлар чалкашлиги, қўлёзмада қайд этилган айрим зарур маълумотлар тавсифда инобатга олинмаганини эътиборга олган ҳолда мақолада каталогга кирмаган ЎзР ФА ШИ фондидаги бошқа нусхалар ҳақида тўхталиб ўтамиз. Бу маълумотлар Бобурийлар салтанатининг (1526–1858) ўша даврдаги Мовароуннаҳр диёри билан чуқур маданий алоқада бўлганини кўрсатади. Айниқса, ҳанафий фиққи тарихида диёримиздан чиққан уламолар мактаби ва асарлари ҳинд уламолари ўртасида юқори мавқеда бўлгани каби Бобурий ҳукмдор ташаббуси билан кўзга кўринган ҳинд уламолари ёрдамида тузилган “Фатавойи Оламгирия” тўплами диёримизда мўътабар манбалар қаторида кўрилган. Чунки икки диёрни боғлаб турувчи бир жиҳат борки у ҳам бўлса ҳанафий мазҳабидир.

“Фатавойи Оламгирия” асари тўрт жилддан (том) иборат. Биринчи жилд *таҳорат, намоз, закот, рўза, ҳаж* каби бўлимларни ўз ичига олади. Асарнинг иккинчи жилди *никоҳ, ризоъ, талоқ, итоқ, қасам, ҳадд уриш (ҳудуд),ўғирлик, харбий юришлар, топиб олинган нарсалар, қочқин қуллар, бедарак йўқолганлар, шерикчилик, вақф* бўлимлари таркибдан ўрин олган. Тўпламнинг учинчи жилди *савдо-сотиқ, сарф, кафолат, қарзларни бир кишидан иккинчи одамга ўтказиш масаласи (ҳавола), қозилик одоби, гувоҳликлар, берилган гувоҳликдан қайтиш, ваколат, даъво, иқрор, сулҳ, мудораба, омонат, мол-мулкни фойдаланишга бериш (‘арийа), совға бериш, ижора, ўз молига сотилган қул масаласи (мукотаб), васийлик қилиш, мажбурлаш (ҳақида ҳукмлар), қарамоғига олиш (хажр), қисман эркинликлар берилган қуллар (маъзун), ғасб* каби бўлимлар ўз ичига

олган. Ва охирги тўртинчи жилди *сотиб олиш ҳуқуқидан бошқалардан устунроқ бўлиш (шуфъа), тақсим қилмоқ (ал-қисма), шерикчиликка экин экиш ва ҳосилни бўлишиш ҳукмлари (музораъ), муносабат қуриш, ақд тузиш (муомала)*, *жонзот сўйиш* (*забоиҳ*), *қурбонлик қилиш* (*адҳийа*), *кароҳият*, *аниқлаш* (*таҳарри*), *хароб ерларни обод қилиш*, *[ерларни] суғориш, ичимликлар китоби (ашриба), ов қилиш, гаров олиш китоби (раҳн), жиноятлар ҳукми, васиятлар, маҳодир* [1] *ва сижиллот* [2] , *шартномалар* (*шурут*), *ҳийла, ҳунаса (гермафродит)* ва *мерос (фароиз)* бўлимларини ўзида жамлаган.

ЎзР ФА ШИ фондидида сақланаётган “Фатавойи Оламгирия” тўплами қўлёзмасининг 22 та нусхаси сақланади. Шулардан асосий фондда 18 та, Ҳамид Сулаймонов фондида 2 та ва Дублетда 2 та нусхаси мавжуд. Қуйидаги жадвалда “Фатавойи Оламгирия”нинг қўлёзма нусхалари ҳақида умумий маълумотлар келтирилган.

№	Инв.	Том рақами, ҳажми, ўлчами ва муҳр адади	Котиби, кўчирилган санаси ва жойи	СВРдаги тавсифи рақами
1	3000	I-IV томлар. 1263 варақ, 38х22,5см, 3 та муҳр бор	Рабиъ ал-аввал ойининг боши, 1151/1738, 16 август, Ҳиндистон.	IV том, № 3211
2	2591	II том. 5+607 варақ, 32х22см., 2 та муҳр бор	Номаълум.	IV том, № 3212
3	4968	III том. 6+771 варақ, 33х22см., 1 та муҳр бор	Ҳиндистон.	IV том, № 3213
4	7871	I-III том[3]. 422 варақ, 36х27см., 1 та муҳр бор	Номаълум	IV том, № 3214

[1] *Маҳзар* (кўп. *маҳодир*) – қозиликдаги ҳужжат турларидан бири бўлиб, унда суд амалиётининг бориши ҳақида маълумотлар ёзилган, яъни йиғилиш, мажлис, акт, баённома, қайд.

[2] *Сижилл (*кўп. *сижиллот)* – рўйхат, реестр, рўйхат қилинадиган дафтар, архив.

[3] Асарнинг мазкур нусхаси жузларга ажратилмагани қизиқ ҳолат. Унда Таҳорат китобидан бошлаб то Ваколат китобининг тўлиқ бўлмаган қисми қамраб олинган. Демак, асарнинг I-II жузлари ва III жузининг “Ваколат китоби”гача бўлган қисми кирган бўлиб, қолган қисми тушиб қолган. Яъни охири йўқ. Аслида, бу нусха тўлиқ бўлиши керак эди, лекин номаълум сабабларга кўра унинг учинчи жилддан бир қисми ва тўртинчи жилди тўлиқ киритилмай қолган.

5	7872	III том. (606+16) варақ. 30,5x20см., 1 та муҳр бор.	Номаълум	IV том, № 3215
6	6110	I-II том[1]. 585 варақ. 33x22,5см., 1 та муҳр бор.	Номаълум	IV том, № 3216
7	9140	I-II том. 513+6 варақ. 36x24см., муҳри йўқ.	1) Миянилик Муҳаммад Ёдгор валади Ҳошим. 2) Акбарободлик Муҳаммад Ашраф ибн Халифа шайх Жуюн. 3) Рупар[2] деган жойдан Шир Муҳаммад Афғон Хатак (!). 19 муҳаррам 1112/ 6 июл 1700 й. Ҳиндистон.	V том, № 3217
8	6187	IV том. 497 варақ, 34x19см., 1та муҳр бор.	Лоҳўрлик Муҳаммад ибн шайх Абдулҳаким ибн шайх Муҳаммад Содиқ. 1014/1692 й. Ҳиндистон.	IV том, № 3218
9	6815	I-II томлар. 541+11 варақ, 30,5x21см., 1 та муҳр бор[3]	17 зу-л-қаъда 1147/1735й, 10 апрель.	IV том, № 3219
10	5944	III том. (741+13) варақ, 33,5x23,5см., 2 та муҳр.	Ҳиндистон	IV том, № 3220
11	6370	II-III томлар. 716 (379+337) варақ. 26x17см.	Номаълум	IV том, № 3221
12	2851	III том. 784 варақ, 36x24см., 4 та муҳр бор.	Номаълум	IV том, № 3222
13	5577	IV том. 502+8 варақ, 25,5x22,5см.,	Қўлёзма Ҳиндистонда	IV том, № 3223

[1] Нусхада асарнинг I ва II жилди бўлиб, иккинчи жилднинг охирида “Ширкат китоби”нинг бир қисми ва “Вақф китоби” қисми тўлиқ тушиб қолган. СВР каталогида мазкур асарнинг биринчи жилди деб хато тавсиф берилган. Қаранг: [5: 3216].

[2] Ҳозирда бу шаҳарнинг номи Рупагнар деб юритилади.

[3] СВР каталогида бу нусхани асарнинг биринчи жилди деб унда Таҳорат китобидан то Қочқин қуллар китобигача бўлган қисми киритилган дейилган. Лекин ушбу нусха билан яқиндан танишганимизда у Таҳорат китобидан то Вақф китобигача бўлган I-II жилдларни ўз ичига олгани маълум бўлади.

		муҳри йўқ.	кўчирилган бўлиши мумкин.	
14	2868	III том. 771 варақ, 33х22,5 см., 2 та муҳри бор.	Қўлёзма Ҳиндистонда кўчирилган бўлиши мумкин.	-
15	11121	II том. 543 варақ, 33х20 см., муҳри йўқ.	Лоҳурда яшовчи Каромуллоҳ валади Ҳофиз Абдулазиз, 9 шаъбон 1120/ 24 октябр 1708 й. Ҳиндистон.	-
16	11488	I том. 94 варақ, 32,5х19см, 2 та муҳр бор.	Қўлёзма Ҳиндистонда кўчирилган бўлиши мумкин.	-
17	11310	I том. 230 варақ, 20,5х14 см, 1 та муҳри бор.	Қўлёзма Мавароуннаҳрда кўчирилган бўлиши мумкин.	-
18	11025	I том. 619 варақ, 33х23см, 3 та муҳри бор.	Номаълум	-
19	Ҳ.С. 1328	IV том. Битта муҳри бор. 512 варақ, 26,5х16,5 см.	Муҳаммад Салоҳ томонидан кўчирилган.	-
20	Ҳ.С. 5112	I том. 207 варақ, 26х19 см., 3 та муҳр бор	Номаълум	-
21	Д. 4174	III том, 31х21см, 882 варақ, муҳри йўқ.	Қўлёзма Ҳиндис-тонда кўчирилган бўлиши мумкин.	-
22	Д. 3571	I том, 186 варақ. 26х15см., муҳри йўқ.	Номаълум	-

Юқоридаги жадвалда берилган маълумотлардан ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган “Фатавойи Оламгирия” қўлёзмасининг 3000, 4968, 9140, 6187, 5944, 11121 – рақамли нусхалари Ҳиндистонда кўчирилганлиги маълум бўлади. Қолган баъзи нусхаларнинг қаерда кўчирилгани номаълум бўлса-да, уларнинг кодикологик томонларини ўрганганимизда Ҳиндистонда кўчирилган қўлёзмалар билан кўплаб ўхшаш жиҳатлари кўзга ташланади. Масалан, 4968 – рақамли қўлёзма Ҳиндистонда кўчирилган бўлиб, унинг 1*б*–2*а* варақлари матни энли зарҳал ва рангли рамкалар ичига олинган. Шунингдек, мазкур варақлардаги матннинг ҳар бир сатрига зарҳал чизиқ тортилган ва ҳошияга зарҳал

нақшлар билан нафис тарзда бадиий ишлов берилган. “Фатавойи Оламгирия” асарининг шунга ўхшаш шаклда (баъзи фарқлар билан) безатилганини институт асосий фондидаги 11488, Ҳ.Сулаймонов фондидаги 1328 ашё рақамли нусхаларда ҳам кўриш мумкин. Уларнинг кўпида унвонлар ишланмаган. Истисно тариқасида 2868, 5577, 6187, 6815 ва 11488 – рақамли қўлёзмаларнинг биринчи варағида зарҳал ва рангли бўёқлар билан нафис унвонлар ишланганини қайд этиш мумкин [1]. Эҳтимол, бу чиройли унвонли қўлёзма нусхалари подшолар ва юқори мансабдор шахсларга ҳадя сифатида тақдим қилинган қўлёзма нусхалари бўлиши мумкин. Дублет фонддаги 4174 – рақамли “Фатавойи Оламгирия” қўлёзма асари қаерда кўчирилгани қайд этилмаган бўлса-да, унинг кодикологик хусусиятларига қараганда нусха Ҳиндистонда кўчирилган дейиш мумкин[2].

ЎзР ФА Шарқшунослик институтида бу асарнинг Аврангзеб Оламгир даврида кўчирилган бир неча қўлёзма нусхаси мавжуд бўлиб, шулардан бири 6187-рақами остида сақланади. Унинг бош варағида тилла ва бўёқлар билан бадиий ишлов берилган унвон бор. Қўлёзманинг колофон қисмида келтирилишича, мазкур китоб (қўлёзма) Лоҳўрда яшовчи Муҳаммад ибн шайх Абдулҳаким ибн шайх Муҳаммад Содиқ томонидан [ҳукмдор Аврангзеб] бошқарувининг 46-йилида, 15 рабиъ ал-аввал 1104/ 1692 йил 24 ноябрда кўчириб тугатилган. Асарининг 9140-рақамли қўлёзма нусхаси 1112/1700 йили Ҳиндистонда кўчирилган. Мазкур нусха асарнинг биринчи ва иккинчи жилдларини ўз ичига олган. Колофондаги маълумотлардан қўлёзмани кўчиришда уч нафар котиб қатнашганлигини кўриш мумкин. Шунингдек, ҳар бир котиб асли қаерданлиги ва у асарнинг неча жузини (боби) кўчиргани ҳақида ҳам батафсил маълумот берилган. Нусханинг 65 та жузини (фасли) биринчи котиб миянилик Муҳаммад Ёдгор валади Ҳошим кўчирган. Асарнинг 26 та жузини (фасл) иккинчи котиб акбарободлик Муҳаммад Ашраф ибн Халифа, 9 та жузини учинчи котиб рупарлик Шир Муҳаммад Афғон асарнинг кўчирган. Юқорида келтирилган маълумотлар қўлёзма Аврангзеб Оламгир даврида уч котиб томонидан кўчирилганига далолат қилади.

[1] ЎзР ФА ШИ 6815-рақамли қўлёзманинг унвони оддий ва сифатсиз бўёқлар билан ишланган [5: 3219].

[2] Мазкур фикрга келишимизга ЎзР ФА Шарқшунослик институти реставрация бўлимининг етакчи мутахассислари М. Салимов ва Б. Ходжаевларнинг мазкур нусха бўйича билдирган фикрлари асос бўлди. Уларнинг фикрича, ушбу қўлёзманинг муқоваси ва қоғози Ҳиндистонга тегишли.

ЎзР ФА ШИ фондида сақланаётган Ҳиндистонда кўчирилган 3000-рақамли қўлёзма нусхаси алоҳида аҳамиятга эга. Унинг бошқа нусхалардан асосий фарқи асарнинг тўртта томи бир жилд қўлёзмадан ўрин олганидадир. У ўзининг ҳажми ва формати жиҳатидан бошқа нусхалардан тубдан фарқ қилади. Муқоваси юқори сифатли қизил чармдан ишланган бўлиб, жуда яхши сақланган. Мазкур қўлёзма колофонида қўйидаги маълумотлар қайд қилинган: *Қад таммат ҳазиҳи ал-китаб ал-мусамма би-Фатовойи Оламгирий йавм ас-сабт фи-т-тарих салх рабиъ ас-сани фи сана 1151 мин ал-ҳижрийа саллаллоҳ алайҳ ва саллам мутобиқ сана жулус Муҳаммад Шоҳ Подшоҳ Ғозий халлад Аллоҳ мулкаҳу ва султонаҳу*. Таржимаси: “Фатавойи Оламгирия” деб номланувчи бу китоб 1151 ҳижрий йилнинг рабиъ ас-сани ойи охирида (салх) шанба куни тамом қилинган. [Бу сана] Муҳаммад Шоҳ Ғозий (Аллоҳ унинг мулки ва султонлигини абадий қилсин) бошқарувининг 20-йилига тўғри келади” [7: 1253*б*]. Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, бу қўлёзма бобурийлар сулоласи Муҳаммад Шоҳ подшоҳнинг (1719–1748) бошқаруви замони, яъни 1151/1738 йилда Ҳиндистонда кўчирилган ва кейинчалик Мовароуннаҳрга юборилган.

Юқорида келтирилган жадвалдаги асарнинг нусхалар рўйхати шуни кўрсатадики, тўрт жуздан иборат бўлган мазкур асарнинг қўлёзма нусхалари, асосан, ҳар бир жузи учун алоҳида жилд қилиб ишланган. Булар ичида фондимизда асарнинг биринчи томидан 5 қўлёзма нусхаси, иккинчи томидан 2 та, учинчи томидан 6 та, тўртинчи томидан 3 та нусхаси сақланади. Шунингдек, бир жилд нусхада асарнинг биринчи ва иккинчи томини қамраб олган 3 та қўлёзмаси ва асарнинг I–III том ва II–III томларини ўз ичига олган биттадан нусха мавжуд. Яна бир жилдда асарнинг барча томларини қамраб олган 3000-рақамли ягона нусха бор. У формати ва ҳажми ҳамда сифати билан бошқа нусхалардан яққол ажралиб туради. Мазкур асар нусхалари таҳлили шуни кўрсатдики, Мовароуннаҳрда “Фатавойи Оламгирия” асарининг барча жузлари маҳаллий уламолар ўртасида истифодада бўлган. Айниқса тўпламнинг I ва III томлари кенгроқ тарқалган.

Жадвалда келтирилган “Фатавойи Оламгирия” асарининг қўлёзма нусхаларида кўплаб муҳрлар учрайди. Бу муҳрлар ҳукмдорлар, девонхона вакиллари ҳамда қозилик мансабига алоқадор шахсларга тегишлидир. Масалан, 4968-рақамли нусханинг 1*а*-варағида битта думалоқ шаклдаги муҳр изи мавжуд. Унда: *Фазойилхон хон зод-и фадавий Подшоҳ Оламгир Ғозий 1104 ҳ.й. 36*

деган қайд ёзилган. У, аслида Фазоилхон Мирходийдир (ваф. 1114/1703 й.) Ҳиндистонда юқори лавозимларда ишлаган, подшоҳ кутубхонасини бошқарган ҳамда Аврангзеб девонхонаси котиби бўлган [15: 546]. Муҳрда қайд этилган 36 рақами Подшоҳ Оламгирнинг тахт курсисига 36-йили ўтирганидан далолат қилади[1]. Шу муҳрнинг тагида қора сиёҳда: *Арз дида бар расм шаҳр 5-шаввол сана 45 жулус.* Мазмуни: "[Нусха Подшо Оламгир] ҳукмдорлигининг 45-йили 5 шавволида, [яъни 1103/ 20 июнь 1692 й.] рўйхатдан ўтказилган" [2] , деган қайд берилган. Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, фондимизда Аврангзеб кутубхонасидан чиққан қўлёзма нусхаси бор бўлиб, у нусха ҳукмдорнинг ўз ҳаётлиги даврида эҳтимол унинг буйруғи билан кўчиртирилиб, кейинчалик Мовароуннаҳрга жўнатилган.

Фондда мазкур ҳукмдор даврига оид яна бир қўлёзма нусхаси мавжуд бўлиб, 6187-рақами остида сақланади. Унинг бош варағида тилла ва бўёқлар билан бадиий ишлов берилган унвон бор. Қўлёзманинг колофон қисмида: Мазкур китоб (қўлёзма) Лоҳўрда яшовчи Муҳаммад ибн шайх Абдулҳаким ибн шайх Муҳаммад Содиқ томонидан [ҳукмдор Аврангзеб] бошқарувининг 46-йилида, 15 рабиъ ал-аввал 1104/ 1692 йил 24 ноябрда кўчириб тугатилган – деб ёзилган. Ушбу қўлёзманинг бир неча варақларида олтибурчакли муҳр мавжуд бўлиб, унда "Охунд Абдулмўъминхожа Аълам авлоди вақф қилган. 1283/1866–67 й." маълумотини ўқиймиз. Бундан мазкур қўлёзма 1283/1866–67 йилдан олдин Охунд Абдулмўъмин хожа Аълам тасарруфида бўлиб, удан қозилик ишларида дастуруламал сифатида фойдаланган. Кейинчалик унинг авлодлари бу қўлёзмани вақф қилганлар. Қизиғи шундаки, ЎзР ФА ШИда сақланаётган "Фатавойи Оламгирия"нинг 5944 ва 7871 рақамли қўлёзмаларда ҳам юқоридаги муҳр изи (Охунд Абдулмўъмин хожа Аълам авлоди) бор бўлиб, улар асарнинг учинчи ва тўртинчи жилди ҳисобланади. Ушбу 5944 ва 7871-рақамдаги қўлёзмаларида нусха қачон ва ким томонидан кўчирилгани ҳақида маълумотлар қайд этилмаган. Лекин 6187 рақамли қўлёзмага босилган муҳр ва унинг полеографик томонлари 5944 ва 7871-рақамли қўлёзмалар билан ўхшаш. Шунинг учун мазкур

[1] Мазкур муҳрда учраган айрим қайдларни изоҳлашда ёрдам берган ЎзР ФА ШИ етакчи илмий ходими, т.ф.д. Ў.Султонов ва покистонлик шарқшунос олим Ориф Навшахийга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

[2] Ҳиндистонда подшоҳ саройида китоблар кутубхона масъули ёки девон котиби томонидан рўйхатдан ўтказиб турилган ва буни қўлёзманинг форзац варағида сана билан "*Арз диде*", яъни "рўйхатдан ўтказилган" деган қайд ёзилган. Бу истилоҳ бўйича батафсил қаранг: [16: 121–125].

иккита рақамли қўлёзма нусхалари ҳамда учинчи ва тўртинчи жилдлари ҳам ҳукмдор Аврангзеб бошқаруви даврида лоҳўрлик Муҳаммад ибн шайх Абдулҳаким ибн шайх Муҳаммад Содиқ томонидан кўчирилган, деган хулосага келиш мумкин.

Асарнинг 2591-рақамли қўлёзмаси аҳамиятини муҳрлар ёрдамида билиш мумкин. Бу нусха асарнинг иккинчи жузи бўлиб, унда овал шаклидаги икки хил муҳрни турли варақларда учратиш мумкин. Биринчи муҳрда: *Назр Муҳаммад ибн Муҳаммад Аминбий, 1094*. Иккинчи муҳрда: *Вақф кард ин китобро бияқин ке Назрбий ибн Муҳаммад Амин, 1104*. Демак биринчи муҳрдан Назр Муҳаммад ибн Муҳаммад Аминбий 1094/1682–83 йилда мазкур нусхага эгалик қилган. Иккинчидан, кейинчалик ушбу шахс ўн йил ўтиб, яъни 1104/1692–93 йилда нусхани вақф қилади. Бу тўплам кўчирилган ва вақф қилинган вақтда ҳам Аврангзеб Оламгир ҳали тахтда ўтирган. Ушбу муҳрлардаги маълумотлар мазкур нусха ҳозирда фондимиздаги унинг яратилган даврига нисбатан энг қадимий нусха эканлигини кўрсатади.

Юқорида зикр этиб ўтилган 3000-рақамли қўлёзманинг турли варақларида бир нечта муҳрлар босилганига гувоҳ бўламиз. Уларнинг учтаси думалоқ, биттаси олти бурчакли ва яна биттаси овал шаклидаги муҳрлар изидир.

Биринчи думалоқ муҳр (в. 1*а*): *Муҳаммад гашт маъмур би фатвои аз лутфи ҳазрат Султон Аъло.*

Иккинчи думалоқ муҳр (в. 1*а*): *Ниёзберди ибн Хушҳол 1225*/1810.

Учинчи думалоқ муҳр қўлёзманинг кўплаб варақларида учрайди ва унда қуйидаги жумлалар ёзилган:

Вақф шўд ин нусха аз баҳр-и ризои кард-и гор
Шарт у бошад ба даст аълам шаҳр-и Бухор.

Мазмуни: *“Ушбу нусха Худонинг розилиги учун вақф қилинди, шарти у /китоб/ Бухоро шаҳри аълами қўлида бўлсин”. Санаси кўрсатилмаган.*

Тўртинчи олти бурчакли муҳрдаги ёзувлар деярли ўчиб кетган бўлиб, фақат қуйидаги исмларни ўқишга муваффақ бўлдик: *Муҳаммад .... ибн .... Муҳаммад 1193*/1779–80.

Юқорида санаб ўтилган муҳрлардан учинчисида қайд қилинган маълумотдан шу нарса англашиладики, тўплам хонликлар даври суд тизимида муҳим мансаблардан бири бўлган “Аълам” қўлида бўлгани ва ундан ўрин олган фиқҳий ҳукмлардан иш жараёнида истифода қилишга ишора бор. Яъни бу тўпламдан хонликлар даврида қозилик маҳкамаларида дастуриламал сифатида ҳам фойдаланишган. Айнан

Мовароуннаҳрда XVIII асрдан бошлаб тузилган кўплаб ривоят ҳужжатлари учун келтирилган далилларнинг манбалари қаторида “Фатавойи Оламгирия” асари ҳам тилга олинган[1].

“Фатавойи Оламгирия” асарининг 11488-рақамли қўлёзмасида иккита муҳр мавжуд. Биринчи думалоқ муҳр нусханинг 1*а*-варағида бўлиб, унда Қози Муҳаммад Шарифхожа ибн Подшоҳхожа Умарий 1289 ҳ.й. исми қайд этилган. У Тошкентнинг Шайхонтаҳур даҳаси қозиси бўлган. Умуман, Шарқшунослик фондида бу таниқли қозининг кўплаб қўлёзмалари сақланади. Масалан, Ў.Султонов мазкур қозининг 30 дан ортиқ қўлёзмаси сақланишини маълум қилган [6: 117–118]. Мазкур қўлёзмадаги иккинчи муҳр асарнинг охирги варағидан ўрин олган, лекин ундаги ёзувни ўқиб бўлмади.

“Фатавойи Оламгирия” қўлёзмалари хонлар саройи кутубхоналарида ҳам сақланиб, ундан фойдаланишган. Масалан, асарнинг 11025-рақамли қўлёзмасининг 1*а* ва 657*б*, 658*б*-варақларидан учта ҳукмдорнинг муҳрлари ўрин олган. Улар: 1) Баҳодир Аминбек соҳибқирон 1176/1762–63; 2) Абулфатҳ Ғозий Муҳаммад Амин 1178/1764–65; 3) Шоҳ Муҳаммад Саъид 1237/1821–22. Бу муҳрлар шакли жиҳатидан бизнинг диёрдаги ҳукмдорлар муҳрига ўхшамайди. Тарихчи Ўктам Султонов билан бундай муҳрлар Шарқий Туркистондаги Ёркент хонлари муҳрига ўхшашлигини айтди. Ҳозирча биз уларни аниқлай олмадик. Лекин нима бўлганда ҳам бу муҳрлар муайяан ҳукмдорларга тегишли бўлиб, ушбу қўлёзма асар бир-бирига мерос сифатида ўтиб турган.

Навбатдаги “Фатавойи Оламгирия” асарининг 2868-рақамли қўлёзма нусхасининг кўплаб варағида олти бурчакли муҳр изи бор. Унда “Хазрат Хожа Калон /ушбу нусхани/ Говкушон кутубхонасига вақф қилган”, деган сатрлар ёзилган. Муҳр санаси кўрсатилмаган. Бухородаги Жўйбор шайхларидан Хожа Калонхожа номи билан машҳур Носириддин Хожа Саъд томонидан қурилган Гавкушон мадрасаси [2: 222–223] кутубхонасига мазкур қўлёзма вақф қилинган.

“Фатавойи Оламгирия” қўлёзма нусхалари Мовароуннаҳрга қачон кириб келган ва уни маҳаллий уламо (муфти ва қози)лар қайси вақтдан бошлаб истифода қилишни бошлаган, деган саволга аниқ жавоб бериш қийин. Гарчи мавжуд нусхаларнинг (№2591, 9140, 6187) Аврангзеб Оламгир ҳаётлиги даврида кўчирилганига қараб, уларни ўша вақтдаёқ Мовароннаҳрга етиб келганини билдирмайди, албатта. Фатво

[1] Масалан, Мовароуннаҳр муфтий ва қозиларининг дастуриламали бўлган “жўнг”ларда “Фатавойи Оламгирия” асаридан манба сифатида унумли фойдаланишган.

тўпламининг мазкур ҳудудларга қачон кириб келгани ҳақида балки қўлёзмадаги маҳаллий шахсларнинг муҳрларига қараб ҳам билиб олиш мумкиндир. Жумладан, 6110-рақамли қўлёзмада Мирзо Муҳаммад муфтий Қаландар ибн Охунд Мулла Дўст Муҳаммаднинг 1183/1769–70 йилги муҳри; 2851 рақамли қўлёзмада Мир Юсуф ал-Ҳусайнийнинг 1188/1774–75 йили ва Муҳаммад Азиз ибн Худоёрнинг 1211/1796–98 йилги вақф муҳри; 6815-рақамли қўлёзма асарда Фозил ибн Эшмуҳаммадбий бахтли Амирнинг 1203/1788–89 йилги вақф муҳри; 3000-рақамли қўлёзма асарида Ниёзберди ибн Хушҳолнинг 1225/1810 йилги муҳрларидаги саналар асосида мазкур фатво тўплами Мовароуннаҳрга XVIII асрнинг биринчи ярмидан кириб келишни бошлаган дейиш мумкин. Мазкур тўпламдан қачондан бошлаб Мовароуннаҳр қози ва муфтийлари ўз фатволарини тузишда манба сифатида фойдаланганини билишда қозилик маҳкамалари учун ишлаб чиқилган дастуриламалларни, яъни жўнг[1] манбаларини таҳлил қилиш орқали аниқлаш мумкин. Масалан, ЎзР ФА ШИ фондида Аштархонийлар (1601–1753) даврида Самарқанд аълами бўлган Амир Боқий Мавлавий (XVIII аср) қаламига мансуб жўнгда [1] “Фатавойи Оламгирия” тўпламидан фойдаланилмаган. Манғитлар даврига (1753–1920) келиб жўнгларда “Фатавойи Оламгирия” тўпламидан фойдаланишни бошлашган. Масалан, Амир Хайдар (1800–1825) буйруғи билан жўнгни Абу Лайс ас-Самарқандийнинг “Хизанат ал-фиқҳ” матни асосига Абдуллоҳ Балхий томонидан 23 зу-л-ҳижжа 1229/1814 йил 6 декабрда ёзиб тугатилди. “Фатавойи Оламгирия” асарида жўнгнинг 19*б*, 70*б*- варақларидан фойдаланилган. Шунингдек, Бухоро амири Абдулаҳадхон (1885–1910) ташаббуси билан “Жўнг маъ Мухтасар ал-виқоя” тўплами тузилди. Жўнгнинг *савдо-сотиқ* (байъ) қисмига оид 292, 304, 307, 314, 323, 324-варақларида “Фатавойи Оламгирия” тўпламидан қайдлар келтирилган. Демак, манғитлар даврига келиб муфтий ва қозилар ўзларининг қозилик ишларида “Фатавойи Оламгирия” тўпламидан унумли фойдалана бошлашган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ЎзР ФА ШИда сақланаётган “Фатавойи Оламгирия” асари қўлёзма нусхаларидаги кодикологик маълумотларни ўрганиш натижасида уларнинг кўпи Ҳиндистон

[1] Жўнг сўзи: XVII–XVIII асрларда форсий ва кейин туркий луғатларда, асосан, “катта кема”, “турли шеърлар тўплами” каби маъноларни англатиб келган. Марказий Осиёда жўнглар, асосан, муфтий ва аълумлар томонидан тузилган бўлиб, улар фиқҳий масалалар, намунавий ривоят ҳужжатлар, фатволар мажмуасида ишлатилган. Унда жўнг тузувчилари тўпламни тузишда, асосан, амалда бўлган фиқҳий масалаларга (маъмулат ал-масаъил ал-фиққийа) эътибор қаратганини қайд қилишади. Жўнг тўпламлари ҳақида батафсил қаранг: [3; 4; 14.].

ҳудудидан келгани аниқланди. Булар ичида ҳукмдор Аврангзеб Оламгир даврида кўчирилган нусхалар ҳам бор. Асарнинг қўлёзма нусхаларидаги муҳрларни ўрганиш шуни кўрсатдики, улар турли шахсларнинг кутубхоналарида бўлган, кейинчалик муайян сабаблар билан бир-бирига сотиш, ҳадя қилиш ёки мерос сифатида ўтиб борган. Шунингдек, муҳрдаги айрим маълумотлар асардан аввало қозилик ишларида кенг фойдаланилгани ва у Бухоро аълами қўлида бўлиши зарурлигига далолат қилган. Мазкур асар қўлёзма нусхалари ҳукмдорларнинг сарой кутбхоналарида сақланиб, ўзаро мерос сифатида ўтиб турган. Шунингдек, мазкур асар мадраса кутубхонасига Бухоро аълами томонидан вақф қилинган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Амир Боқий. Мухтасар ал-виқоя маъа жўнг. ЎзР ФА ШИ Асосий фонди қўлёзмаси, инв. №№ 4782; 4929.
2. Жуманазар Абдусаттор. Бухоро таълим тизим тарихи. Тошкент, 2017.
3. Муҳаммадаминов С. Бухоро амирлиги даврида яратилган айрим фатво тўпламлари ва уларнинг тарихий аҳамияти// Imom Buhoriy saboqlari. Тошкент, 2020. № 3. Б. 60–61.
4. Муҳаммадаминов С. Хоразмда тузилган айрим жўнглар хусусида // Шарқшунослик. Тошкент, Фан, 2014. № 17. Б. 45–47.
5. Собрания Восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР (каталог). Ташкент, 1957.
6. Султонов Ў.А. Тошкент вақф мулклари тарихи. Тошкент, 2021.
7. Фатавойи Оламгирия. ЎзР ФА ШИ Асосий фонди қўлёзмаси, инв. №№ 2591; 2851; 2868; 3000; 4968; 5577; 5944; 6110; 6187; 6370; 6815; 7871; 7872; 9140; 11025; 11121; 11310; 11488.
8. Фатавойи Оламгирия. ЎзР ФА ШИ Ҳамид Сулаймонов (Ҳ.С.) фонди қўлёзмаси, инв. №№. 1328; 5112.
9. Фатавойи Оламгирия. ЎзР ФА ШИ Дублет фонди (Д.) қўлёзмаси, инв. №№ 4174; 3571.
10. Alan, M. Guenther. Hanafi Fiqh in Mughal India: The Fatāwá-i ʻĀlamgīrī. In India's Islamic Traditions, 711–1750, ed. Richard Eaton. Oxford in India Readings. Themes in Indian History. New Delhi: Oxford University Press of India, 2003. P. 207–230;
11. Aziz Ahmad. The Role of Ulema in Indo-Muslim History // Studia Islamica. 1970. Vol. 30. P. 1–13.

12. Bazmee Ansari. Encyclopaedia of Islam. Vol. II. Leiden–New York: E.J. Brill, 1991. P. 837.
13. Hajdar, A. Durar al-hukkam sharh madzhallat al-ahkam. Bejrut. 1991. T.1.
14. Muhammadaminov S.A. (2017). Jung – the collection of practicing traditional judge of Central Asia (end of 16th century – 19th century) Retrieved from https://ifeac.hypotheses.org/3217.
15. Nawwâb Şamşam ad-Daula Shâh Xawâz Khân. Transalate from Persian to English by H. Beveridge and revised, annotated and completed by Baini Prashad. India. 1979. P. 546.
16. Tarqimi, muhrin, arz dide *(1994 йил семинар материаллари тўплами) (Урду тилида).* Patna Khuda Bakhash Oriantal Public Library, 2019. P. 121–125.

С. Муҳаммадаминов

XVII-XIX асрларда Марказий Осиё ислом ҳуқуқи тарихида “Фатавойи Оламгирия” тўпламининг ўрни (ЎзР ФА Шарқшунослик институти фонди қўлёзма нусхалари мисолида)

Ушбу мақола “Фатавойи Оламгирия” (“ал-Фатово ал-Оламгирия”) тўпламининг қўлёзма нусхалари, уларнинг кодикологик хусусиятлари, тўпламнинг XVII–XIX асрларда Марказий Осиё ислом ҳуқуқи тарихидаги ўрни масаласига бағишланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган тўпламнинг 22 та қўлёзма нусха кодикологияси, қўлёзмадаги муҳрлар, қўшимча турли қайдлари, котиблари, жузлари ва жилди, кўчирилган санаси ва жойи ҳақида маълумотлар берилган. Мақолада “Фатавойи Оламгирия” тўпламининг амалда жорийланиши, Мовароуннаҳрга таъсир даражаси ва даврини аниқлаш учун маҳаллий уламолар (қози ва муфти) томонидан қозилик амалиёти учун тузилган дастуриламаллар, жумладан, ЎзР ФА ШИда сақланаётган қози ва муфтилар қўлланмалари (*мажмуат ал-масаил ал-фиққия, жўнг*) ёрдамида кўрсатиб берилди**.**

***Калит сўзлар*: *Фатавойи Оламгирия, фатво, фиқҳ, жўнг, қўлёзмалар, кодикология, ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди*.**

С. Мухаммадаминов

Сборник «Фатава-и Аламгирийа» в контексте исламской правовой истории Центральной Азии XVII-XIX вв. (на примере рукописей фонда ИВ АН РУз)

Статья посвящена историко-кодикологическому исследованию рукописных экземпляров сборника «Фатава ʻАламгирийа», хранящихся в рукописном фонде Института востоковедения Академии наук Республики Узбекистан, в контексте конфессионально-правовой истории Центральной Азии XVII-XIX вв. В частности, уделяется внимание 22 выявленным спискам рассматриваемого сочинения. Анализируются их кодикологические особенности – имеющиеся печати, указанные переписчики, структурные характеристики, время и место переписки и т.д. Для определения распространения и времени локализации сборника «Фатава ʻАламгирийа» среди местных улемов, а также его влияния на конфессионально-правовую традицию в Центральной Азии были привлечены т.н. «руководства кадиев» (судебные руководства) (маджму‘а ал-маса’ил ал-фикхийа, джунг) за авторством центральноазиатских знатоков шариата (кади и муфти), где встречаются ссылки на различные группы правовых сборников, в том числе, и на «Фатава ʻАламгирийа».

Ключевые слова: *Фатава-и Аламгирийа, фатва, фикх, джунг, рукописи, кодикология, рукописный фонд ИВ АН РУз.*

S. Mukhammadaminov

Collection “Fatava-i ʻAlamgiriyya” in the context of the Islamic legal history of Central Asia in the 17th–19th centuries. (on the example of the manuscripts of the fund of the Institute of Oriental Studies of the Academy of Science of the Republic of Uzbekistan)

The article is devoted to the historical and codicological study of handwritten copies of the collection "Fatava ʻAlamgiriyya", stored in the manuscript fund of the Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, in the context of the confessional and legal history of Central Asia in the 17th–19th centuries. In particular, attention is paid to 22 identified copies of the work in question. Their

codicological features are analyzed – available seals, indicated scribes, structural characteristics, time and place of correspondence, etc. To determine the distribution and time of localization of the collection "Fatava ‘Alamgiriyya" among local ‘ulama, as well as its influence on the confessional-legal tradition in Central Asia, the so-called “guides of qadis” (judicial manuals) (majmu‘a al-masa’il al-fiqhiya, jung) authored by Central Asian Sharia experts (qadis and mufti), where there are references to various groups of legal collections, including Fatawa ‘Alamgiriyya.

Key words: *Fatava-i ‘Alamgiriyya, fatwa, fiqh, jung, manuscripts, codicology, manuscript fund of the Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan*.

Ж. Жўраев

“Нафоис ал-маосир”нинг Хивада кўчирилган қўлёзма нусхалари ҳақида

“Нафоис ал-маосир” тазкираси XVI–XVII асрларда Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрон ва Ҳиндистонда яшаб ижод қилган қалам аҳли, адабий жараён, маданий ҳаёт, Бобурийлар давлати тарихи ҳақида маълумот берувчи қимматли манбадир. Асар муаллифи Алоуддавла Комий Қазвиний (XVI–XVII) мавзкур даврдан олдин Эрон, сўнгра Ҳиндистонда фаолият олиб борган. Алоуддавла Қазвинийнинг исми Муҳаммад бўлиб, Қазвин саййидларидан “Лубби таворих” (“Тарихлар мазмуни”) асарининг муаллифи Мир Яҳё Маъсумнинг ўғлидир. Сунний мазҳабга бўлган эътиқоди туфайли Муҳаммад Қазвиний оиласи Шоҳ Таҳмоспнинг (1514–1576; ҳукмронлик йиллари 1524–1576) таъқибига учрайди. Олдин Ҳумоюн (1508–1556; ҳукмронлик йиллари 1530–1540; 1555–1556) Эронга келган вақтида унинг эътиборига тушган акаси Абдуллатиф Ҳиндистонга йўл олади. Абдулатиф Ҳумоюннинг бевақт ўлимидан кейин Акбаршоҳ (1542–1605; ҳукмронлик йиллари 1556–1605) саройига яқинлашади. Алоуддавла Қазвиний ҳам кейинчалик акасининг изидан Ҳиндистонга боради [13: 203].

Асар Акбаршоҳга бағишлаб (1589–1590 йилларда) ёзилган, икки қисмдан ташкил топган. Биринчи қисмда алоҳида фикра бағишлан 494 шоирдан ташқари, таржимон, мусиқа ва санъат соҳасига алоқадор шахсларнинг номи тилга олинган. Шоирлар ҳақидаги маълумотлар алифбо тартибида жойлаштирилиб, ҳар бир ҳарфга оид қисм “Байт” деб номланган бўлимга ажратилган. Бу қисм асарнинг ёзилиш сабаби